

**Мустафакулов Шерзод Игамбердиевич** – Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси Малака ошириш факультети декани, и.ф.н., доцент.

**Қисқача аннотация.** Ушбу мақолада ҳудудларнинг ривожланиш стратегиясини амалга ошириш вазифалари ва унинг босқичлари атрофлича очиб берилган. Шунингдек, маҳаллийлаштириш дастурларини изчил равишда ҳаётга татбиқ этиш натижасида кутиладиган ижобий ўзгаришлар мантикий кетма-кетлик асосида ёритилган. Ҳудудий маҳаллийлаштириш кўрсаткичлари динамик таҳлиллар орқали очиб берилган ва маълум бир жузъий ҳулосалар шакллантирилган.

**Таянч сўзлар.** Ҳудудни ривожлантириш стратегияси. Ҳудуднинг ривожланишини бошқариш. Ҳудудларнинг ривожланиш концепцияси. Стратегик режалаштириш. Маҳаллийлаштириш. Маҳаллийлаштириш дастури. Замонавий рақобатбардош тайёр маҳсулотлар. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизация қилиш. Тармоқлараро саноат кооперацияси.

**Short abstract.** The article thoroughly highlights functions of regional development strategy to be performed and its stages. Also, on the base of rational sequence provided positive changes expected from the strict implementation of the localization program. The figures for regional localization levels are revealed on the base of dynamic analysis and some subjective assumptions are provided.

**Key words.** Regional development strategy, administering regional development, regional development concepts, Strategic planning. Localization. localization program. Modern competitive finished goods. Development and modernization of production. Intersectional industrial cooperation.

## **Худудларда маҳаллийлаштириш дастурлари: татбиқ этишнинг асосий жиҳатлари ва кутиладиган натижалар**

Бугунги кунда, худудларнинг иқтисодий ривожланишини таъминлашда қабул қилинган маҳаллийлаштириш дастурлари ҳал қилувчи аҳамият касб этиб бормоқда. Тайёр маҳсулотларни маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш иқтисодиётни янада барқарор ривожлантириш, унинг ташқи омилларга қарамлигини пасайтириш, ишлаб чиқариш жараёнига янги ва самарали технологияларни татбиқ этишда катта роль ўйнайди.

Маълумки, ўзимиздаги мавжуд хом ашё, интеллектуал салоҳият ва қулай шарт-шароитлардан самарали фойдаланиш орқали рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Маҳаллийлаштириш дастурининг асосий мақсади - мамлакатимизда экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, маҳаллий хом-ашё ва минерал ресурслар негизида ички ва ташқи бозор талабларига жавоб берадиган маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантиришдан иборатдир. Шу билан бирга дастур доирасида ички тармоқ ва тармоқлараро, шу жумладан республиканинг кичик бизнес ва йирик корхоналари ўртасидаги саноат кооперациясини кенг йўлга қўйиш ва уни янада мустаҳкамлашдан иборат.

Мазкур йўналишда бир қанча чор-тадбирлар амалиётга татбиқ этилиб келинмоқда. Буларнинг ичида энг асосийларидан бири сифатида ҳуқуқий-меъёрий базанинг такомиллаштириш борасидаги тадбирларни қайд этиш мумкин. Биргина 2015 йилда маҳаллийлаштириш бўйича: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сонли фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида”ги 2015 йил 11 февралдаги ПҚ-2298-сонли қарори<sup>1</sup>ни келтириш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, 2015-2019 йилларда бир қатор соҳаларда импорт янада камаяди. Жумладан, геология, ёқилғи-энергетика, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати комплекси бўйича йилига ўртача 25,7 фоиз, машинасозлик, электротехника ва авиация саноати ҳамда маҳсулотларни стандартлаштириш комплексида 19,6 фоиз, қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва истеъмол товарларини қайта ишлаш комплексида – 36,2 фоиз, маданият, спорт, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя комплексида 54,7 фоиз қисқартириш белгиланган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2015 г., № 20, ст. 255

<sup>2</sup> <http://www.uza.uz/oz/business/ma-alliylashtirish-imkoniyat-va-isti-bol--29-09-2015>

Мазкур ҳужжат доирасида валюта маблағларини тежамкор ва самарали сарфлаш мақсадида илк мартаба иқтисодиётнинг тармоқлари кесимида маҳаллийлаштириш ва саноат кооперациясини ривожлантириш ҳисобига импорт ҳажмини камайтириш кўрсаткичлари тасдиқланган. Унинг ижросини таъминлаш эса импорт ҳажмини ўрта ҳисобда 40 фоизга камайтиради. 2015-2019 йиллар давомида 602 та янги лойиҳани амалга ошириш эвазига 1225 турдаги талаб юқори бўлган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш кўзда тутилган. Жорий йилнинг ўзида 338 та янги лойиҳага мувофиқ турли хил маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши кутилмоқда.

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сонли Фармони асосан тасдиқланган Дастур доирасида 2015-2019 йилларда амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича маълумот<sup>3</sup>**

млн.долл. экв.

№	Ҳудудлар номи	Жами		Манзилли (2-илова)		Истиқболли (3-илова)	
		лойиҳалар сони	лойиҳа қиймати	лойиҳалар сони	лойиҳа қиймати	лойиҳалар сони	лойиҳа қиймати
	<b>Жами</b>	<b>846</b>	<b>40 808,9</b>	<b>711</b>	<b>19 640,0</b>	<b>135</b>	<b>21 168,9</b>
1	Қорақалпоғистон Республикаси	44	6 446,7	37	5 584,0	7	862,7
2	Андижон	57	975,0	51	312,1	6	662,9
3	Бухоро	41	1 181,2	33	607,0	8	574,3
4	Жиззах	42	257,6	34	200,2	8	57,4
5	Қашқадарё	68	13 379,6	56	1 433,3	12	11 946,3
6	Навоий	65	5 484,5	57	3 775,5	8	1 709,0
7	Наманган	46	2 374,0	40	1 104,3	6	1 269,7
8	Самарқанд	60	963,6	55	762,8	5	200,8
9	Сурхондарё	47	782,4	40	458,4	7	323,9
10	Сирдарё	41	1 340,0	35	243,2	6	1 096,9
11	Тошкент	102	4 573,0	88	3 164,1	14	1 408,9
12	Фарғона	50	464,3	45	379,8	5	84,5
13	Хоразм	39	724,1	33	325,6	6	398,5
14	Тошкент ш.	144	1 863,1	107	1 289,8	37	573,3

Вилоятлар кесими бўйича таҳлилларни амалга оширадиган бўлсак, ушбу ПФ-4707-сонли Фармонга мувофиқ тасдиқланган дастурга кўра Қашқадарё вилоятида 68 та лойиҳанинг амалга оширилиши ва ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати 13379,6 млн. АҚШ долларни ташкил этиши кўзда тутилган. Ушбу лойиҳанинг асосий қисми, яъни 24 та лойиҳа нефтгаз,

<sup>3</sup> Тўлаганов Ш.А. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокида ташкил этилган ўқув-семинардаги тақдимот материаллари, 2016 й.

кимё ва нефткимё саноатига йўналтирилиши ҳудуднинг углеводород захираларига бойлигидан далолат беради.

Умумреспублика бўйича оладиган бўлсак, айнан юқорида қайд этилган соҳаларга 23379,1 млн. АҚШ доллар, энергетика саноатига 8905,0, текстиль саноатига 917,8, озиқ-овқат саноати учун 410,6 ва бошқа тармоқларга жами 7196,5 млн. АҚШ доллари қийматида инвестиция йўналтирилиши режалаштирилган.

Мазкур лойиҳаларни йиллар кесимида изчил ҳаётга татбиқ этилиши натижасида қуйидаги вазифаларнинг ҳал этилиши мақсад этиб белгиланган:

– таркибий ўзгаришларни изчил таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, барқарор иқтисодий ўсиш локомотивлари бўлишга қодир юқори технологияли саноат тармоқларини янада ривожлантириш;

– ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг энергия сарфи, моддий ва меҳнат харажатларини камайтириш бўйича мавжуд захиралардан янада тўлиқ фойдаланиш;

– жаҳон бозорида талаб барқарор бўлган рақобатбардош тайёр товарлар ва ярим фабрикатлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш;

– юқоридаги мақсадлар учун хорижий инвестицияларни, жумладан, етакчи хорижий компаниялар билан биргаликда қўшма корхоналар ташкил этиш орқали фаол жалб қилиш<sup>4</sup>.

2015-2019 йилларда жами маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш маҳсулотлари туркуми 601 тани, лойиҳалар сони эса 278 тани ташкил этади. Шу билан бирга, мазкур маҳсулотлар туркумида ишлаб чиқариладиган товарлар ҳажми, сони ва тури ҳам кўпайиб бориш тенденциясига эга. Агар ушбу маҳсулотлар туркумини таркибий жиҳатдан таҳлил этадиган бўлсак, унда 601 туркумдаги маҳсулотлардан 414 таси ёки 68.8 фоизи базавий тармоқ корхоналари ҳиссасига, 187 таси ёки 31.2 фоизи ҳудудий корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Ҳудди шундай тақсимланиш жараёнини лойиҳалар сони бўйича қарайдиган бўлсак, улар мос равишда 174 та ёки 62.6 фоизини ва 104 та ёки 37.4 фоизини ташкил этишини кўришимиз мумкин. Демак, иқтисодиётнинг кейинги беш йилликдаги тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқариш туркумига бўлган талаби камида 601 номдаги товарлар тури билан бойиди<sup>5</sup>.

Маҳаллийлаштириш дастурининг изчиллик билан амалга оширилиши, унинг бошқа мақсадли давлат дастурлари билан (иқтисодий соҳадаги) узвий алоқадорликда ривожлантирилиши кейинги беш йилликда иқтисодий ўсиш омилларининг барқарорлигини сақлашга, тармоқлар ва ҳудудлараро саноат кооперациясини янада такомиллаштиришга, маҳаллий хом-ашё ресурслари негизида юқори технологияли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>5</sup> <http://blog.review.uz/new/ma-allijlashtirish-dasturining-ma-sadli-kursatkichlari-hususida/>

тизимини ривожлантиришга, миллий валютанинг харид қобилиятини ўстириш ва валюта курси даражасини мақбуллаштиришга, янги иш ўринларининг барпо этилиши ва аҳоли реал даромадларининг ошишига хизмат қилиши мумкин.

Маҳаллийлаштириш дастури ўзимизда мавжуд хомашё асосида замонавий рақобатбардош тайёр маҳсулот ва бутловчи буюмларни янада чуқур маҳаллийлаштириш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш, шу жумладан, уни республикадаги кичик бизнес субъектлари, йирик корхоналар ўртасида кенгайтириш, янги иш ўринларини ташкил этиш ва мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадларида амалга оширилмоқда.

Маҳаллийлаштириш ва бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишдан кўзланган мақсадни икки бўлиб ўрганиш ва талқин этиш мумкин (2-жадвал). Булар, давлат ва корхона учун аҳамияти. Иккаласининг ютуғи эса, ўз навбатида, жамиятнинг ютуғини ҳосил қилади.

2-жадвал<sup>6</sup>

Давлат учун аҳамияти:	Корхона учун аҳамияти:
<ul style="list-style-type: none"> <li>- иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш;</li> <li>- янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш;</li> <li>- импортни оптималлаштириш ҳисобига валюта маблағларини тежаш;</li> <li>- юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш;</li> <li>- маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан бозорни таъминлаш;</li> <li>- Маҳаллий хом-ашё ресурсларини қайта ишлашга жалб қилиш;</li> <li>- янги ишчи ўринларни яратиш;</li> <li>- тармоқлараро ва ички тармоқ кооперацияни ривожлантириш асосида баланслашган ишлаб чиқариш муҳитини шакллантириш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- корхоналарга солиқ юкларини камайтириш;</li> <li>- лойиҳаларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизация қилиш учун корхоналарнинг молиявий маблағларидан унумли фойдаланиш;</li> <li>- хўжалик фаолиятидаги турли хил муаммоларни ҳал қилишда давлат органларининг кўмаги ва давлат томонидан мониторинг олиб бориш;</li> <li>- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга кафолатланган буюртмалар муҳитини шакллантириш;</li> <li>- ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини аниқлашга кўмаклашиш (янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича тавсиялар бериш);</li> <li>- тармоқлараро саноат кооперацияси тизимига кичик бизнес корхоналарини жалб қилиш;</li> <li>- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобига фойдани кўпайтириш;</li> <li>- корхоналарни тўлиқ ривожлантириш ва ишчиларнинг моддий турмушини яхшилаш.</li> </ul>

Маҳаллийлаштириш дастурига кирган корхоналарга қуйидаги имтиёзлар тақдим этилган:

технологик ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмларини ҳамда маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнида ишлатиладиган, бироқ республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган

<sup>6</sup> Муаллиф ишланмаси.


хом-ашё ва эҳтиёт қисмларни четдан олиб кириш учун божхона тўловларидан озод этиш;

маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни ишлаб чиқаришда асосий фонддан фойдаланиладиган мулк солиғидан озод этиш;

маҳаллийлаштириш лойиҳалари асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар учун даромад солиғи, ягона солиқ тўловидан (солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимини қўлловчилар учун) озод этиш.

Маҳаллийлаштириш дастурига кирган лойиҳалар сони ва уларнинг ташкил этилиши билан боғлиқ бўлган статистик кўрсаткичлар таҳлиliga келадиган бўлсак, 2016 йилда маҳаллийлаштириш дастурига кириши режалаштирилган лойиҳалар сони 715 тани ташкил этиши белгиланган. Ушбу кўрсаткич 2015 йилда 696 та ва 2014 йилда эса, 486 та бўлган. 2014 йил билан таққослаганда 2015 йилда маҳаллийлаштириш дастури таркибидан жой олган лойиҳалар сони 210 тага кўпайган (1-расм).

Агар 2014 йилда ҳудудлар кесимида маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳалар сони юқори бўлган бўлса (56,4 фоиз), 2015 ва 2016 йилларда вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар сони юқори бўлган (56 фоиз). Маълумотларга кўра, 2014 йилда маҳаллийлаштириш дастури доирасида фаолият олиб борган корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 3,1 трлн.сўмни ташкил этган. 2015 йилда ушбу кўрсаткич 4 трлн.сўмга етган. 2016 йилда 6 трлн.сўм миқдорида бўлиши прогноз қилинган.



1-расм. 2014-2016 йилларда республика бўйича маҳаллаштириш дастурига киритилган лойиҳалар сони<sup>7</sup>


Маҳаллийлаштириш дастури доирасида яратилган ва фаолият олиб бораётган корхоналар нафақат импортни ўрнини босувчи товар-хизматларни ишлаб чиқаришга, балки экспорт ҳажмининг ошишига ҳам хизмат қилиб келмоқда. Импорт ўрнини босувчи товарларни ишлаб чиқариш натижасида валюта маблағларининг тежалишини, экспорт ҳажмининг ошиши, ўз

<sup>7</sup> Тўлаганов Ш.А. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокида ташкил этилган ўқув-семинардаги тақдирот материаллари асосида тайёрланган, 2016 й.

навбатида, қўшимча валюта маблағининг кириб келишига хизмат қилади. 2016 йилнинг прогноз кўрсаткичларига кўра маҳаллийлаштирилган корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган товар ва хизматларни сотишдан 153,7 млн. АҚШ доллари ҳажмида валюта тушумининг кўпайиши башорат қилинган.

Маҳаллийлаштириш дастурига лойиҳаларни киритиш учун уларни танлаш тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- маҳаллийлаштириладиган маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ишлаб чиқариш қувватлари ва маҳаллий хом ашё ресурсларининг мавжудлиги;
- маҳаллийлаштириш даражаси 1-йилда камида 36 фоизга етиши;
- ТИФ ТН коди бўйича пировард маҳсулот товар позициясининг бошланғич хом ашёга нисбатан камида биринчи тўртта белгилардан бири даражасида ўзгаришининг таъминланиши;
- маҳаллийлаштириладиган маҳсулотга ички ва ташқи бозорларда талабнинг мавжудлиги;
- ўхшаш (аналог) маҳсулотлар импортининг мавжудлиги (янги турдаги маҳсулотлар бундан мустасно);
- маҳсулотнинг потенциал истеъмолчилари билан шартномаларнинг ёки дастлабки келишувларнинг мавжудлиги;
- маҳаллийлаштириладиган маҳсулотларнинг сотиш нархлари импорт маҳсулотлари нархларидан юқори бўлмаслиги (Ўзбекистон Республикасигача бўлган транспорт харажатлари, божхона ва солиқ тўловларини ҳисобга олган ҳолда);
- шу билан бирга, юқоридаги талабларга мос келадиган ва халқаро сифат бошқарув тизимини жорий этган ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар Маҳаллийлаштириш дастурига устувор даражада киритилиш ҳуқуқига эга.




**2-расм. 2014-2016 йилларда Республика бўйича маҳаллийлаштириш дастури бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми<sup>8</sup>**

<sup>8 8</sup> Тўлаганов Ш.А. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокида ташкил этилган ўқув-семинардаги тақдимот материаллари асосида тайёрланган, 2016 й.

Юқорида келтирилган расмдан (2-расм) кўриш мумкинки, 2014 йилда маҳаллийлаштирилган корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган ва кўрсатилган хизматлар ҳажми 3,1 триллион сўмни ташкил этган. 2015 йилнинг якунлари бўйича худди шу кўрсаткич 4 трлн.сўмга етган. Бу ҳам бўлса, маҳаллийлаштирилган корхоналарда мавжуд бўлган юқори технологиялар ва уларнинг унумдорлиги юқори эканлигидан далолат беради.

Маҳаллийлаштириш дастурини кенг жорий этиш нафақат ички бозорда ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишини, балки экспорт ҳажмининг ҳам ошишини таъминламоқда. 2015 йилда, айнан маҳаллийлаштирилган корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг экспорти 86 млн. АҚШ долларни ташкил этган. 2016 йилда эса унинг қиймати 153,7 млн. долларга етиши прогноз қилинган. Бу ўтган йилга нисбатан 1,78 марта кўп маҳсулотларнинг экспорт қилиниши демакдир.




**3-расм. 2014-2016 йилларда Республика бўйича Маҳаллийлаштириш дастури бўйича экспорт ҳажми<sup>9</sup>.**

Худудлар кесимида таҳлилларни амалга оширадиган бўлсак, маҳаллийлаштирилган корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг энг катта улуши Тошкент шаҳрига тўғри келади (1399,1 млрд.сўм) Энг паст кўрсаткич ушбу йилда 0,2 млрд.сўмга тенг бўлган (Навоий вилоятига тўғри келган). 2015 йилда бошқача ҳолатни кузатиш мумкин. Навоий вилоятида ишлаб чиқарилган товарлар ҳажми катта сўрватларда ўзгариб 7,4 млрд.сўмга тенг бўлган ва бу ўзгариш энг юқори ўсишни намоён этган. Бундай ҳолат Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Қашқадарё вилоятида ҳам кузатилади (4-расм).

<sup>9</sup> Тўлаганов Ш.А. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокида ташкил этилган ўқув-семинардаги тақдирот материаллари асосида тайёрланган, 2016 й.



Ушбу ҳолатнинг юзага келишидан кўриш мумкинки, ҳудудлардаги ривожланиш кўрсаткичлари бир-биридан кескин фарқланади. Тошкент шаҳрининг шарт-шароити, у ерда мавжуд бўлган инфратузилманинг ҳолати, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, иқтисодий ресурслардан келадиган самаранинг ҳамда истеъмол талабининг юқорилиги боис инвестицияларни кенг қўламда йўналтириш учун асос бўлган.



4-расм. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида маҳсулотлар ишлаб чиқариш динамикаси (млрд.сум)<sup>10</sup>

Шунинг учун ҳам ҳудудлар иқтисодиётини комплекс ривожлантиришда ва маҳаллийлаштириш дастурларини кенг қўламда тезроқ татбиқ этиш учун қуйидаги чора-тадбирларга асосий урғу бериш лозим ҳисобланади:

❖ мавжуд салоҳият, ресурслар ва яширин имкониятларни аниқлаш асосида минтақа иқтисодиётини асосий тармоқларини модернизациялашга оид лойиҳаларни амалга ошириш;

❖ маҳаллий қишлоқ хўжалик хомашёси ва фойдали табиий ресурсларни чуқур қайта ишлашни йўлга қўйиш ва буларни қуйидаги босқичларда амалга ошириш:

- хом ашёни дастлабки қайта ишлаш ва ярим фабрикатларни тайёрлаш;
- ярим фабрикатлардан тайёр материалларни ишлаб чиқариш;
- истеъмол учун тайёр маҳсулотларин ишлаб чиқариш.

❖ қишлоқ хўжалигида боғдорчилик, сабзавот ва полиз етиштиришни кескин ошириш мақсадида минтақа ҳудудларида мавжуд ер ва сув

<sup>10</sup> Тўлаганов Ш.А. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокида ташкил этилган ўқув-семинардаги тақдимот материаллари, 2016 й.

ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

❖ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва уларни ташқи ва ички бозорларга сифатли етказиб беришни таъминлаш мақсадида агрологистика марказларини ташкил қилиш;

❖ замонавий хизмат турларидан бўлган аутсорсинг хизматини ривожлантириш имкониятларини топиш ва амалга ошириш;

❖ қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан самарали фойдаланишда тежамкор технологияларни кенг кўламда қўллаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

❖ кичик саноат зоналарини амалда ташкил қилишдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш. Бу борадаги кичик бизнес вакиллари ва тадбиркорларни йирик саноат ишлаб чиқариш билан боғлаш имкониятларини излаб топиш;

❖ экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш ва б.қ.

## Фойдаланилган манабалар рўйхати

1. Приоритеты управления региональным развитием / Авторский коллектив: Афанасьев В.Я., Быстрыков И.К., Видяпин В.И. и др. Под ред. Уколова В.Ф. – М.: Изд-во «Луч». 2001.

2. Смирнов В.В. Особенности эффективного управления развитием региона / Аудит и финансовый анализ, 2007. № 6.

3. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2015 г., № 20, ст. 255.

4. Тўлаганов Ш.А. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокида ташкил этилган ўқув-семинардаги тақдимот материаллари, 2016 й.

5. <http://www.uza.uz/oz/business/ma-alliylashtirish-imkoniyat-va-isti-bol--29-09-2015>

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

7. <http://blog.review.uz/new/ma-alliylashtirish-dasturining-ma-sadli-kursatkichlari-hususida/>